


# ЎЗБЕК ИСТОН БУНЫОДКОРИ



## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чиноз тумани сув ҳўжалигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Маълумки, глобал иқлим ўзгариши туфайли сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Сўнгги 50 йил давомида Марказий Осиёдаги музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари асосан эгاتлаб суғорилмоқда. Кўп ерлар лазерли ускуна билан текисланмаган. Коллектор-дренаж тармоқлари эскирган. Буларнинг оқибатида сув жуда кўп исроф бўлмоқда.

Лекин айти пайтда аҳоли сони ўсиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб ортмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари суғориш ва самарали фойдаланиш зарурлигини доим таъкидлаб келади. 2020 йил 10 июлдаги Президент фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида шу бо-

радаги барча масалалар ўз ифодасини топган. Ушбу концепцияга мувофиқ, жорий йил 24 февралда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг уч йиллик стратегияси қабул қилинди. Унда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Чиноз тумани Янгиобод қишлоғидаги экин майдони айнан шундай ишлар натижаси. Бу жойда 1 миллион 350 минг доллар инвестиция эвазига 850 гектар ер қайта ўзлаштирилган. Жами 202 минг куб метр сифимга эга 3 та сув ҳавзаси барпо этилиб, экинларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилган.

Янги қўриқ ернинг 702 гектарига қўшқатор усулда, плёнка остида "Андижон-72" навли пахта экилади. Бунинг учун замонавий сеялқалар олиб келинган. Улар чигит экиш билан бир вақтда томчилатиб суғориш шланглари ўрнатиб, плёнка билан ёпиб кетади.

148 гектарда экспортбоп полиз маҳсулотлари етиштирилади. Жумладан, унинг бир қисми ишсиз ёшларга бўлиб берилди.

– Экишдан олдин сотишни ўйлаш керак. Ерни тadbirkорга бериш зарур. Чунки у бозорни билади, рақобатни билади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қайта фойдаланишга киритилган бу ерларда 220 киши доимий, 1 минг 200 дан зиёд аҳоли мавсумий иш билан таъминланади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чиноз туманидаги Эшоноб маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида "Обод қишлоқ" дастури доирасида уйлар, мактаблар, йўллар ва коммунал тармоқлар тaъмирланиб, замонавий маданият саройи барпо этилди.

Файзобод кўчасида қад ростлаган маҳалла марказида "Обод ва хавфсиз маҳалла", "Маҳалла раиси – ислохотчи" тамойиллари асосида фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизимни сама-

рали жорий этиш учун барча имконият яратилган. Бинода маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг ўринбосари ва турли йўналишлар бўйича маслаҳатчилари, профилактика инспектори ўзаро уйғун ва самарали фаолият кўрсатади.

Аҳоли, айтиқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, дам олиш шароитларини яхшилаш учун "Китобхонлар боғи"нинг барпо қилингани – маҳалла ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ҳиёбон – мамлакатимиз ва жаҳондаги энг нодир мeъморий обидаларнинг ихчам макетларини ўзида мужассам этган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалланинг турли миллатга мансуб вакиллари билан суҳбатлашди.

– Бугун келишимдан мақсад – Тошкент вилоятида ҳам замонга муносиб шароит яратиш. Вилоятда салкам 3 миллион аҳоли бор. 150 минг нафари ишсиз. Шунинг учун ҳар бир маҳалладаги «Усиш нуқталари»ни топиб, шунга жавобгарларни белгилаб, керакли маблағларни бериб, одамларни иш билан таъминлашимиз керак. Ичимлик суви, электр энергияси, йўл, таълим ва

бошқа шароитларни яхшилаш зарур. Бу мақсадлар, йирик ва ўрта лойиҳалар учун вилоятга 119 триллион сўм йўналтирилади. Ҳали ҳеч бир вилоятда бундай марра олинмаган, – деди Президент.

Мулоқотда Чиноз туманидаги ўзгаришлар, имкониятлар ҳақида ҳам гапирилди.

– Ўзи Чиноз туманида ишсиз бўлиши керак эмас. Ери кенг, одамлари меҳнатқаш. Ҳар бир уйда, ҳар бир кўчада маданият бўлиши керак. Халқимиз айтганидек, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллада давлат хизматлари маркази шохобчаси, банк филиали, тиббиёт пункти, тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари "Қўжақент текстил груп" корхонасидаги иш жараёнини кўздан кечирди.

2 бет

### Шу куннинг гаплари

Сергеи туманини пойтахт маркази билан боғлайдиган

**6 йўлак**ли автомагистрал йўли ва

**3 та** йўл ўтказгич қурилиши "GRAND ROAD TASHKENT" компанияси томонидан жадал олиб борилмоқда. Мазкур қурилиш объекти лойиҳасини "Allegro Develop Project" лойиҳа институти Туркиянинг "Kalyon Ulashtirma Muhendislik ve Musavirlik A.S." лойиҳалаш ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан.

Йўлнинг умумий узунлиги

**6 км** бўлиб, ундаги қурилиш ишлари жорий йил якунигача давом этади.

Пойтахт вилоятининг Нурафшон шаҳридаги "Нурафшон сити"да

**22 та** олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бинолар қурилади. 20,5 гектар майдонни эгаллаган жойда яқин келажакда

**1 000 дан** зиёд киши ишлайди ва 6 минг талаба ўқийди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахياتош шаҳридаги "Тахياتош иссиқлик электр станцияси"да

**230–280 МВт** қувватга эга иккита буғ-газ қурилмалари қурилади. Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳа босқичма-босқич бунёд этилади.



## Гўзаллик, яшариш ва уйғониш фасли

Шавкат МИРАЛИМОВ, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти, ў.а.

Дилларга ўзгача қувонч, она табиатга файзу тароват олиб, диёримизга яшариш фасли – Наврўз қадам қўймоқда. Бу байрамнинг тарихи қандай, у қай тарзда нишонланади?

Тўрт фаслни-да тенг ва бетимсол қилиб юртимизда баҳорнинг эрка бир шукух, тоза нафаслари ила соғинтириб келиши ўзгача гўзал. Қаҳратон қаҳрини синдириб, аямажуз совуғини юшатиб, қор кўрпасини кўтариб, чечакларнинг қулиб туриши, қирларда бодомларнинг гуллаши тирикликка Янги кун кириб келаётганидан хабар беради. Тупроқлар тулида илдишлар тўлғанади, новдаларда ҳаёт уйғонади. Қўжараётган ҳар бир майса, ҳар бир гиёҳда яшашга, яшаришга даъват бордай. Наврўз – гўзаллик, тириклик ва уйғониш фасли. Шоирлар тасвирлаганидек, нанки кунларда ва туйғуларда яшариш, балки қадим юрда қайта қад ростлаётган она Туркистонда ҳам янгилаш, камол топиш бошлангандай. Наврўз қадимдагидек шартли равишда икки қисмдан иборат, биринчиси – меҳнат билан боғлиқ бўлган тadbirkор ва чоралар бўлса, иккинчиси –



кўнгил очар, ҳордиқ чиқариш, эстетик завқ олишга бағишланган уйин-кулгу, томошала тadbirkорларидир.

Наврўзнинг биринчи қисмида богроғлар тартибга солиниб, далаларни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тузатиш, уруғлик, ўғит ва кўчатларни ҳозирлаш, дала шийпонлари, асбоб-ускуналар ва бошқаларни кўздан кечириш юмушлари бажарилиб, шаҳар жойларда эса йўлка ва хиёбонлар, кўча-кўй, жамоатчилик фойдаландиған жойлар тартибга келтирилади, умуммаҳалла ҳашарлари ўтказилади. Бунда, айтиқса, уйда эркаги йўқ, бе-

ва-бечораларга сидқидилдан ёрдам берилди. Шаҳар ва қишлоқларда мозорлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, дов-дарахтларга қаралади. Уй кўтарилиб, хонадонлар покланади.

Иккинчи қисм уйин-кулгу, спорт мусобақаларидан ташкил топади. Лола сайли, аскиябозлар гурунги, полвонлар беллашуви ва дорбозлар, қизикчилар томошалари, лапар, ашула ва рақс конкурслари, тез айтиш ва топишмоқ ўйнаш, оловдан сакраш, улоқ, от пойгаси ва бошқа халқ ижодиётининг намуналари Наврўзга хусн бағишлайди.

Ҳалим, сумалак Наврўзнинг гултожидир. Ҳаётбахш кўклам таомлари-

ни тайёрлаш жараёни, қозон бошида "сеҳрарлик" қилаётган отахонлар, онахонлар ва бошқа ёш-яланлар, туни билан мижджа қоқмай чиққан сипо "ҳалимчи" ларнинг сирли ҳарақатларию "сумалак"чиларнинг уйин-кулгу, лапарлари, айтишувлари – буларни сўз билан таърифлаш қийин.

Наврўз нима учун айнан 21 мартда нишонланади? Янги йил байрами нишонланишининг сабаби нимада, деган саволлар туғилиши табиий.

Дунёда март, апрель, май ойларини шартли равишда баҳор фасли деб аташ қабул қилинган. Бироқ табиат қонунига кўра, бу фасл Ернинг шимо-

лий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган ёзги қуёш турғунлигича давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Нақл қилишларича, баҳорнинг ўша биринчи кунда ер остида ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу чиндан табиатнинг, Она Ер бағридаги жами жонзотнинг, қурт-қумурсқалар ва ўт-ўланларнинг уйғониш, жонланиш давридир. Шунга кўра, Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг талай қисми 21 мартни қадимдан Наврўз деб байрам қиладилар.

2 бет

2 бет

## Улуғ ва файзли байрам

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Байрамлар ичида энг гўзал ва бетакрори, инсон кўнглига ўзгача бир шукух бахш этувчи байналмилал байрам бу – Наврўз. Юртимизга эзгу мақсад ва гўзал қадриятларни, ўзида мужассам қилиб, аждодларимиздан бизларга мерос сифатида ўтиб келаётган Наврўзи олам яна юртимизга кириб келмоқда. Бу байрам, аввало, табиатнинг жонланиши, янгилалиши, келинчакдек ўз сепини ёйиб, янги йил билан юртимизга гўзал Баҳор фаслининг кириб келишидан дарак беради.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли бу улуғ байрам одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашда, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжihatлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, ҳайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири йил сайин тобора ортиб бормоқда.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ



Бу ерда икки сменада 500 нафар хотин-қиз ишламоқда. Охириги бир ярим ойда 100 минг долларлик тайёр кийимлар экспорт қилинган. Корхонанинг ўзида тикиш-бичишни ўргатувчи 200 ўринли ўқув маркази ҳам очилган.

Мутасаддиларга тадбиркорларга кўмаклашиб, бино ва маблағлар ажратиш, бундай кичик корхоналарни қўлайтириш ва 3 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

“Маҳаллабай” тизими асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Энг аввало, одамларни ташвишлантираётган муайян масалалар аниқланди. Булар сув, йўллар, чироқ, бандик масалаларидир. Мавҳум, узок муддатга мўлжалланган эмас, 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилди.

Агар дастурлар тўлиқ амалга оширилса бир йилдан сўнг мавжуд муаммоларнинг каттагина қисми ҳал этилади, камбағалликни қисқартиришга эришилади.

Президентимиз шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги “TCT Cluster” кластери томонидан бунёд этилган шолини қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

“TCT Rice” номли ушбу маъсуляти чекланган жамиятда шолни етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат санжире яратилган. Утган йили 2,6 минг гектардан ортқ ерда “Лазурний”, “Искандар”, “Мустақиллик”, “Нукус” навларидан мўл ҳосил етиштирилган.

Айтиш жоизки, илгари шоликорлар фаолияти тарқоқ бўлгани учун тузук даромад ололмади. Айниқса, шолини қайта ишлашда кўплаб муаммоларга дуч келинади.

2021 йил 2 февралда “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қароридан сўнг соҳада ўзгаришлар бошланди.

“TCT Rice” мажмуаси майдони ҳам илгари ташландик жой эди. 27 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа тўғрисидаги ушбу 6 гектар ҳудудда замонавий мажмуа барпо этилди. У хирмон майдони, умумий сизими 15 минг тонналик 2 та ёпиқ оғбор, шолини тозалаш ва қуритиш цехи ҳамда қайта ишлаш заводи ни эичга олган.

Шолини тозалаш ва қуритиш цехи тўртта линия билан жиҳозланган. Уларнинг ҳар бири орқали бир сменада 120 тонна шолини қуритиш имкони бор. Бу ерда бошқа дуккакли маҳсулотларни тозалаш ва қуритиш ҳам мумкин.

Шолини қайта ишлаш заводи Туркиянинг “Yashar Makina” компанияси усуналари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида энг юқори навадга гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Чунки “ақли” усуналар гуручни нафақат катта-кичиклиги, балки ранги бўйича ҳам саралайди.

Ҳозирги пайтда завод бир йилда 40 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Истиқболда режалаштирилган иккинчи босқич ҳам ишга туширилгач, корхона қуввати икки баробарга ортади.

Бу ерда замонавий лаборатория ҳам бор. Қабул қилинаётган шолнинг намлиги, қуритиш ва қайта ишлаш жараёнлари, шунингдек, гуруч маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари доимий назорат қилиб борилади.

“Даладан дастурхонгача” тамойили асосида иш юритаётган шолчилик кластерида жорий йилда ҳосилдорликни 60 центнердан ошириш, хорижага 100 минг АҚШ доллари миқдорига гуруч экспорт қилиш режалаштирилган.

“TCT Rice” корхонасида 365 нафар, умуман, кластерда 8 минг 750 нафар аҳоли ишламоқда.

– Мана, инсон ҳуқуқлари деймиз. Энг катта ҳуқуқлардан бири – иш билан таъминлиши. Бизнинг ҳамма ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Одамларни ишли қилсак, аҳоли жон бошига даромадни қўлайтирсак, сотиб олиш қобилияти ошса, бошқа ҳамма ҳуқуқлар ўзи жой-жойига тушади. Шунинг учун Тошкент вилоятини ишсизлик минимал даражада бўлган ҳудудга айлантирмоқчимиз. Вилоятда бунинг учун ҳамма шароит бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Асосий эътибор экспортни қўлайтириш, янги бозорларни ўзлаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йили гуруч экспортни 500 минг АҚШ доллари га етказиш мўлжалланган. Бундан ташқари, “TCT Cluster” кластерининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган тўрт босқичли лойиҳаси доирасида 114 миллион долларлик тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Шу ерда вилоятда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Қайд этилишича, 2021-2022 йилларда қишлоқ хўжалиги йўналишида мева-сабзавот, доривор ўсимликларни қайта ишлаш, музлаткич, агрологистика маркази, чорвачилик мажмуаси, иссиқхоналар барпо этиш, узумзор ва боғ яратиш каби лойиҳалар амалга оширилади.

Ушбу мақсадлар учун 218,4 миллион доллар, шу жумладан, қарийб 95 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилиб, 7 минг 800 дан ортқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, жорий йил якунига қадар 40 минг гектар узумзор, 60 минг гектар боғ ташкил этилади.

Оҳангарон ва Паркент туманларида “Textile technologies group” маъсуляти чекланган жамияти томонидан агросаноат кластери ташкил этилади. Қиймати 60,3 миллион доллардан иборат мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи 2021-2022 йилларда амалга оширилиб, 40 минг гектар яйлов ва лалми ер майдони ўзлаштирилади.

Лойиҳанинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичида эса 5 минг бош насли қорамол, 50 минг қўй ва эчки боқиб йўлга қўйилиб, чорвачилик комплекси, сутни қайта ишлаш корхонаси, ёғ экстракцияси заводи, дон ва омихта емни қайта ишлаш корхонаси барпо этилади.

Чирчиқ – Тошкент вилоятининг энг йирик бешта шахрдан бири. Пойтахтга яқинлиги, ишлаб чиқариш корхоналари қўлиги аҳоли сони ва уй-жойга бўлган талаб ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарнинг Шодлик маҳалласида қурилган 4 та 16 қаватли уй аҳолининг ўсиб бораётган талабини таъминлашга қаратилган. Уларда жами 288 хонадон бўлади. Тўрталаси ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Ушбу уйлар қисқа муддатда қуриб битказилади. Зилзилабардошлиги юқори, замонавий Hi-Tech усулида бунёд этилган. Йўлақари кенг, ҳар бир йўлакка иккитадан лифт ўрнатилган. Чунки, бу уйларда хонадонлар сони кўп.

Уйларнинг шифти баланд, газ қувурлари фасад қисмидан ўтган. Бу ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан ҳам ишончли. Ҳар бир квартира ёнғин учирлиши тизими ва газ анализаторлари билан таъминланган. Агар газ ҳиди чиқса, хонадонга келаётган табиий газ оқими автоматик тарзда ўчирилади.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Бу – Тошкент вилоятида қурилган дастлабки 16 қаватли уйлар бўлиб, Чирчиқ шахрига янги қиёфа бахш этган.

17 та хонадон ногиронлиги бор ҳамда уй-жойга муҳтож аёлларга, 15 таси ўз ошасида алоҳида ўртак кўрсатилган эш оилаларга ажратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилишни бориши билан танишди.

Шу ерда Чирчиқ шахрини ривожлантириш бўйича бош режа муҳокама қилинди. Янги турар жойлар қуриш, эски уйларни реновация қилиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиб, Тошкент шахридаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарини шу ерга қўчириш ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Чирчиқни инновацион, инвестицион шахар қилиш мумкин. Шунинг учун ҳамма биноларни инвентаризациядан ўтказиш керак. Бу ерда ҳамма инфратузилма бор. Автомобиль ва темир йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, жамоат транспортни риво-

жлантириш керак. Қўлайлик яратилса, аҳоли ҳам, ишбилармонлар ҳам келади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Чирчиқ шахар иссиқлик таъминот корхонасини ҳам бориб кўрди.

Чирчиқ шахрида жами 911 та кўп қаватли уйга 14 та қозонхона хизмат кўрсатади. Шулардан бири 1957 йилда қурилган. Бу қозонхона очиқ тизимда ишлайди. Яъни, шахар ичимлик суви тармоғидан сув олиб, уни иситиб, хонадонларга тарқатади. Бу ортқча сув ва газ ёқилгиси сарфини юзага келтираётган эди.

Шу боис бу ерда Туркия технологияси асосида янги қозонхона барпо этилмоқда. Ушбу усуналар автоматлаштирилган тизимда, ёпиқ усулда ишлайди. Бу дегани, сув кимёвий тозаланиб, иситилиб, сўнг кўп қаватли уйларга юборилади. Ушбу усулда сув марказлашган тармоқдан эмас, сизот сувлардан олиниб, ёпиқ тизимда ишлатилади.

Лойиҳанинг қиймати 16 миллион доллардан зиёд бўлиб, Жаҳон банки кредити асосида молиялаштирилади.

Янги қозонхонанинг қуввати 75 мегаватт бўлади. Қурилиш ишлари уч босқичда амалга оширилади. Модернизация натижасида шахарда 24 километр иссиқлик қувури тортилиб, 175 та кўп қаватли уй, 19 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик тизими билан боғлиқ бўлади. 12 миллион метр куб табиий газ, 3,4 миллион киловатт электр энергияси, 300 минг куб сув тежалари. Атмосферага чиқаётган 4,7 минг тонна газ ушлаб қолинади.

Бу мамлакатимизда табтиқ этилаётган дастлабки пилот лойиҳа бўлиб, Чирчиқ, Андижон, Самарқанд, Бухоро шахарлари ва Тошкентнинг Сергели туманида жорий этилиши кўзда тутилган.

Шу ернинг ўзида вилоятда электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти ҳамда шахарларда коммунал хизматларни яхшилаш бўйича режалар тақдимоти ўтказилди.

Тошкент вилоятида энг кўп юқори қаватли уйлар Чирчиқ ва Ангрен шахарларида жойлашган. Чирчиқдаги кўп қаватли уйлارнинг 352 тасида иссиқлик таъминоти мавжуд, қолганларида бошқа турдаги мосламалар ўрнатилган ёки умуман иссиқлик таъминоти етиб бормаган. Бу аҳоли турмуши ёмонлашувига олиб келаётган эди.

Тақдимот чоғида шу ҳақда маълумот берилди. Шаҳардаги 90 километр иссиқлик тармоқларининг 49 километри таъмирталаб экани айтилди.

белгиланган. Шу мақсадда 1 минг 57 та маҳалла ўрганилганда, 145 тасида марказлашган ичимлик суви йўқлиги маълум бўлди.

Жорий йилда вилоятда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 450 мингдан зиёд аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилади. Натижада ичимлик суви билан таъминлашни ҳозирги 68 фоиздан 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Президент Чирчиқ шахрига ташрифи чоғида Ифтихор маҳалласига кириб кўрди. Кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Давлат раҳбарининг маҳаллаларни айлангани бу гал ҳам аҳолининг кўнглини кўтарди. Одамлар очиқ юз билан Президентга пешвоз чиқди. Кимдир саломлашишга, кимдир ўз муаммосини айтишга ошиқди.

– Чирчиқ бир пайтлар донғи кетган шахар эди. Охириги вақтларда анча «чарчаб» қолганди. Бу деганим, трубалари эскирган, иссиқлик тизими “чарчаган”, сув тақчил, кўчаларни ёритиш йўқ. Тегирмон навбати билан дегандек, энди бу ерда ҳам барча шароитларни яратамиз. Саноатни кўтариш, иш жойлари очиб, йўлни, иссиқлик таъминоти яхшилаш бўйича катта ишларни бошлаямамиз, – деди давлат раҳбари.

Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги муаммоларни, аҳолининг талаб ва истакларини сўради. Ифтихор маҳалласидаги учрашувда тадбиркорлик қилмоқчи бўлган йигитга ер ажратиш бўйича шахар ҳокимига кўрсатма берди. Президентни кўришни оруз қилиб, давлат раҳбари олдига чиққан болакайни бағрига босиб суратга тушди.

Президентимиз “Лола” маҳалласида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси, нуронийлар ҳамроҳлигида 35-уйдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага кириб, ҳол-аҳвол сўради. “Лола” маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 3 минг нафар турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла аҳли ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга алоҳида гамхўрлик кўрсатади.

“Темир дафтэр”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га кирганларни иш билан таъминлашга ҳудуддаги 6 та тадбиркорлик субъекти ҳам хисса қўшаёпти. Жорий йилда бу ерда эна 2 та лойиҳа амалга оширилади.

Маҳалла раиси Муборак Абдурахимова Президентга ҳудудда икки ярим йилдан буён жиноятчилик қайд этилмаганини айтди.

Президент йўл-йўлақай меҳнат фахрийлари билан ҳам самимий суҳбатлашди. Улар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, Чирчиқ шахридаги ўзгаришлардан мамнун эканини айтиб, дуолар қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги “Евро Глобал Инвест” маъсуляти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугун юртимизда қурилиш кўлами кенг. Шу боис янгича дизайндаги темир-бетон материалларига талаб юқори.

Утган йили декабрда иш бошлаган “Евро Глобал Инвест” корхонаси йирик йиғма темир-бетон панеллари тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион евро. 7 гектарлик ишлаб чиқариш майдонида Италия, Германия ва Австриядан замонавий линиялар келтириб ўрнатилган.

Корхона маҳсулотлари жаҳон стандартларига мос. Мазкур қурилиш материаллари ишлатилган уйлар таннархи бошқаларга нисбатан 30 фоиз арзон бўлади. Маҳсулотлар рангли қилиб тайёрланиши ҳам мумкин.

Кластер усулидаги корхона йилига 500 минг куб метр бетон маҳсулотлар ишлаб чиқариши, 1 миллион тонна тош майдалаш, яна шунча асфальт тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда, шунингдек, ички ва ташқи эшиклар, дераза ромлари, мебеллар ҳам ясалмоқда.

Давлатимиз раҳбари материаллар ишлаб чиқариш ва қурилишнинг тўлиқ “занжирини” ташкил этиб, уй-жойлар нархини янада арзонлаштириш, кўпроқ ёшларни ишга жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

– Шундай кластерларни бошқа ҳудудларда, Самарқанд ва водий вилоятларида ҳам қўлайтириш керак. Қурилишда энг муҳим нарх, сифат ва муддат. Шунинг учун рақобатбардош қурилиш материаллари тури кўп бўлса, нарх-наво арзонлашади. Бу корхонада малакали мутахассислар тайёрлаш учун марказ ташкил этиш керак, – деди Президент.

Корхонада йили пайтда 850 нафар ишчи меҳнат қилиди. Йил якунигача иш ўринларини 1 минг 500 тага етказиш режалаштирилган.

Шу ерда 2021-2022 йилларда Тошкент вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Ў.А.

# Гўзаллик, яшариш ва уйғониш фасли



Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида Қўёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи ҳисобланган фарвардин тўғрисида сўзлаб “Бу ойнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврўз эронликлар ва зижлари бўйича ўтмиш замонларда улар йилларини қабисали қилган вақтларда қўёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дараклар гуллашдан мевалари етилгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлаганидан такомиллашгунча давом этган

вақтда келади. Шунинг учун Наврўзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган” деб ёзади.

Наврўз тантаналари доимо деҳқончилик, хунармандчилик, санъат ва жисмоний баркамолликнинг ҳам ўзига хос намоиши бўлиб келган. Халқ сайилларида хунармандлар ўзлари ясаган ажойиб ашёларини, пазандалар ширинлик ва анвойи таомларини, полвон ва чавандозлар куч-қувват ва маҳоратини, қаққонликларини намоиш этганлар, қизлар ва келинчақлар Наврўз тантаналарига атаб махсус либослар, кашта ва рўмонлар тикканлар, уларга гул нақшларини туширганлар.

Наврўзи олам ҳозирги кунда ҳам уз тароватини, нафис жозибасини йўқотгани йўқ. Аксинча, Наврўз янги замонавий маросим расм-русумлар билан бойиб, тобора гўзаллашиб бормоқда.



# Улуғ ва файзли байрам



“Наврўз” сўзи форсчадан таржима қилинганда “Янги кун” маъносини беради. Мазкур шодиёнинг дунёга келиши чуқур илмий асосланган ҳолда, коинот ва табият қонуниятлари, яъни Қўёшнинг ҳамал буржига кириши, тун ва куннинг тенглашуви, кундўзининг узая бошлаши, табиятда жонланишнинг бошланиши билан боғлиқ бўлган. Наврўз ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Дастлаб ушбу байрамни ўтказиш ўтроқ деҳқонларда, сўнгра ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Урта аср олимлари унинг вужудга келиш тарихини бундан уч, уч ярим минг йил олдин бўлган, деб ёзган бўлсалар, замонамиз тарихчилари мазкур байрамнинг тарихий илдиэларини тош асри (эр. ав. 10-5 минг йилларга) тўғри келадиган, деган хулосани билдирдилар.

Бундан ташқари, тарихнинг чуқур илдиэларига мурожаат этсак, у энг қадимий даврларда – ибтидоий одамларнинг деҳқончиликка ўтганидан сўнг далаларда янги иш мавсуми бошланишидан олдин ўтказилган баҳор байрамларига бориб тақалади. Унинг таркибига, ота-боболаримизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб бугунги замондошларимизнинг қарашларигача бўлган маънавият олами сингич кетган. Унинг қадимий аънава эканини исботловчи қатор тарихий ёзма манбалар ва тарихий асарлар мавжуд. Жумладан, Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур Салабий, Умар Хаёём сингари адибларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида унинг келиб чиқиши, ўзига хос қадимий расм-русумлари ва маросимлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Урта асрларнинг машҳур қомусий олимлари асарларида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи афсонавий шохлар Қаюмарс, Жамшид ва Сулаймон билан боғлаб талқин қилинади.

“Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар куннинг бўлсин Наврўз”. XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, ғазал мулкчининг султони, бобокалонимз Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари орқали ҳам билишимиз мумкинки, Наврўз – ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, секинчларни, оруз-ниятларини, умидларини дўстлари ҳамда яқинлари билан баҳам кўрадиган кутлуғ кундир.

Асрлар оша эзгулик, нафосат ва яшариш байрами бўлиб келган ушбу байрам истиқлол йилларида янада ўзгача тароват касб этмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар тили ва динидан қатъий назар, барча юртдошларимиз Наврўз байрамини соғиниб кутадиган, умумхалқ байрамига айлантирилди ва 21 март дам олиш кунини, деб эълон қилинди.

Наврўз олдида мамлакатимизнинг барча кўчалари ва атроф-муҳит тозаланиб, янги йилни поклаган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилинади. Ҳар йили шу кунни ота-боболаримиз, буви-момоларимиз буй байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишади. Утган аждодлар руҳи ёд қилиниб, қабристонлар ободонлаштирилади. Оммавий равишда мевали, манзарали дараклар ўтказилади. Байрамга атаб махсус кийимлар тикилади.

Наврўз таомлари ўзига хосдир. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш аънаваний одат тусига кирган. Турли хил ўйнарлар ўйналади. От ўйин, чиллак, қўғирчоқ ўйин, тош, лапар, ил ўйинлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Болалар, ўспирлар, ўспирлар буй қизлар, айниқса, сумалак пишириш маросимида фаол иштирок этишга ҳаракат қиладилар. Бугун дони махсус идишларда қўлай иқлим шароити яратиб, сабза қилиб ундириб олинади. Сўнг уни бир кеча-кундуз катта дошқозонда қайнатиб, сумалак тайёрланади. Аёнки, туну кун тинмай дошқозон қайнайверса, анча-мунча ўтин чидамайди. Шунинг учун ҳар бир хонадон бир боғ, ярим боғдан ўтинга ҳам ўз улушларини қўшади. Бу аризмасдек кўринган ҳаракат остида халқнинг бирлашиб ҳаракат қилиши, нону тузини, толган-тутганини бирга баҳам кўришидек улкан маъно ётибди. Сўнгги йилларда мазкур байрамга эътибор янада ошиб бормоқда. Хусусан, шахардаги барча хиебонлар ва бошқа истироҳат боғлари шахарликлар ва пойтахт меҳмонлари учун очиқ бўлади. Сайилда халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одати ва аънаваларини акс эттирган айвонлар, йўлак бўйлаб устану хунармандлар, ганҷкорлар, каштадўзу чеварлар миллий либосларимизни, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбобларини, миллий буюмларни намоиш этишади.

Президентимиз Наврўз ҳақида “Биз юртимизда мана шундай кутлуғ байрамни нишонлаш баробарида, бутун дунёда тинчлик ва хотиржамлик бўлишини, узок ва ақин барча давлатларнинг халқларига тараққиёт, фаровонлик ҳамда раванг тилаймиз”, деган эди.

## Ўзги билан ўзимизга қайтган Наврўз

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Табиат ўйғониб, гул-чечаклар бўй кўрсатиб қолди. Атроф яшил либосга бурканди. Бу эса шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли – Наврўзи олам юртимизга ўз тароватини кўрсатиб, дилларга қувонч улашаётганидан, вужудга янада куч-қувват бахшида этаётганидан далолатдир. Биламизки, Наврўз – эзгулик ва янгиланиш айёми. Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган бу кўҳна, ҳаммаш навбирон байрам ҳам жафокаш халқимиз сингари бир пайтлар дунёни, миллат ҳамда урф-одатларни тор даражада ўйлайдиганлар исканжасидан четлаб ўтолмади.**



Ҳеч эсдан чиқмайди: ўша кезлари байрамни айнан шу ном билан нишонлаш таъқиқланган бўлса-да, маҳалламиздаги кўпни кўрган оқсоқоллардан бир гуруҳи уйма-уй юриб, одамларни гузарга чорлашди. Дошқозонда сумалак қайнар, хотин-қизлар, ёшлар миллий либосда кийиниб, ўзлари тўқиган ва ясаган хунармандчилик намуналарини намойиш этар, бошқалар эса дарахт кўчалари экиш ҳамда ён-атрофни ободонлаштириш билан банд эди. Нуронийлар ишларни кузатишар, маслаҳатлар бериб, барчасида бош-қош бўлишарди. Айни чошгоҳ пайти ҳамма дастурхон атрофига таклиф қилинди. Ош тортилиб, кўчаларга қатнаттириб, охири, "норасмий тадбир" уюштирилганда айлаб, суд орқали жаримага тортишди.

Ўша тадбирда қатнашганлардан бири – Шаҳрисабз туманидаги Чоштпепа маҳалласида яшовчи саксон тўрт ёшли Ташбобо Инатов шундай дейди:

– Истиқлол берган неъматларга шукр, агар шу дорилмомон кунлар келма-

ганида, нафақат Наврўзимиз, балки ўзлимиздан ҳам мосува бўлишимизга бир баҳя қолганди. Азалий байрамни кўнгилдагидек ўтказишни ният қилиб, сўнг азият чеккан оқсоқоллардан қишлоғимизда бирортаси ҳам қолмади. Улар урф-одатларимиз, Наврўзининг қандай байрам эканлигини кимларгадир тушунтириб бергунларича кўп жабр кўришди...

Энг ёмони, ўзингни, ўзагингни узаркан. Ўша кезларда "халқлар даҳоси" деб ном олган шахс минбардан туриб, "Слава боғу, у нас всё хорошо" дея маърузалар қилганда, Ўзбекистоннинг идеология соҳасидаги раҳбари "Наврўз эскилик сарқити, дин афюндир" деб миллат шайни оёқости қилди. Эсласак, ҳамон юракларни жунбушга келтирувчи замонлар ортада қолди, аммо халқнинг миллий байрами ва виждонини ўзигидан айро қилишолмади.

Кўпни кўрган отахоннинг айтганича бор. Мустақиллик туфайли бошқа қадриятлар билан бирга Наврўзимиз ҳам ўзимизга қайтди. Уни муносиб тарзда кенг нишонлаш учун ҳар йили давлат миқёсида тантаналар уюштирилаётгани барчамизнинг руҳиятимизни кўтариб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат ато этапти. Эътибор берган бўлсангиз, Наврўз келиши билан инсон жисмида ҳам

мўъжизавий куч-қудрат, қалбларимизда меҳр-муҳаббат туйғулари аввалгидан юз чандон ортади, яратиш ва бунёдкорлик ишлари сари талпинтиради. Бободоҳқон эзгу ниятларини қалбига жо қилиб, ризқ-насиба манбаини яратиш учун ерга барака уруғини қадайд.

Макур айём – поклик, ободлик, файзу барака тимсолидир. Қишдан эсон-омон чиққанликка шукрона келтириб, инсонларни серҳаракатликка ундайди. Ховли-жойлар барча гўшалар тозаланади, саранжом-сарихталаниб, умумхалқ ҳашарлари уюштирилади. Нуроний онахонларимиз дошқозонларда сумалаклар қайнатиб, Наврўзга пешвоз чиқишади. Шу кунлари халқимизнинг, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерларнинг саховат йўлидаги эзгу ишлари янада жонланади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда вақтинчалик дафтарга киритилганларни қўллаб-қувватлашга ошиқишади, қўлидан келган яхшилигини аямайди. Бундай меҳридарёлик ришталари қалбимизда лиммо-лим эканини Наврўз яна бир бор юзага чиқаришини энди бутун ер юзи халқлари англаб етаётгани бошқа миллий анъаналар қаторида бу айёмнинг ҳам қадрини ошираётгани қалбимизда гурур, ифтихор туйдиради.

Ана шу нурафшон кун ҳақида Умар Хайёмнинг "Наврўнома", Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарларида турли маълумотлар берилган, йиллар ўтса-да, Наврўзининг мадҳи халқ дилидан, шoir ва ижодкорлар тилидан тушмай келмоқда. Ўн биринчи асрнинг истезодли шоири Юсуф хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" ("Бахтга элтувчи билим") асарида айнан шу дамларни бундай тасвирлайди:

Чиройга ўралган кўкатлар ўзи,  
Яшилга бурканган бу ернинг юзи.  
Баъзиси ҳидидан берар дилга жон,  
Уларнинг исидан мунаввар жаҳон.

Дарҳақиқат, баҳор Наврўз ила нурафшондир. Бу онлардан илхомланган, унинг ҳар дақиқасини ғанимат билмаган киши бўлмаса керак.

Президентимизнинг "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам Наврўз байрами арасида халқимиз учун яна бир совға сифатида қабул қилиш мумкин. Зеро, унинг ҳар бир банди замирида фуқароларимизнинг манфаатлари устувордир.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимида юрт ободончилигини таъминлаш учун янги-янги ташаббуслар, замонавий лойиҳаларни ишлаб чиқиб, бунёдкорликларни янада кенг шакллантираётган қурувчилар ҳам ана шу байрамни ўзгача кайфиятда кутиб олиш баробарида минглаб эҳтиёжманд кишиларга қувонч улаишни мақсад қилишган. Нафақат пойтахтда, балки барча вилоятларда ҳам шу кунларда юзлаб кишилар янги уйларга кўчиб кириб, йиллар давомидаги муаммолари ечим топганидан қувонишмоқда.

Масалан, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида Наврўз байрами куни 13 та 5 қаватли, ҳар бири 24 хонадондан иборат квартиралар ўз эгаларига топширилади. Бу сингари мисолларни истаган вилоят ёки туманлардан келтириш мумкин. Муҳими, фуқароларимиз айёмни нишонлаш билан бирга бундай совғани ҳеч қачон қўришмаганди. Бу эса истиқлол туфайли қадриятларимиз, меҳр-оқибатимиз янада кенг қулоқ эзаётганининг белгисидир.

## Янги Ўзбекистонга байрамлар ярашади

Меҳрибон ИСМОИЛОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**Фасллар келинчаги баҳор инсон қалбига ўзгача тароват ва кўтаринкилик бағишлайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, ҳар куни юртимизга байрам шодиёналари келаётгандек бўлади.**

Дарвоқе, кўкларни ёшлик фасли, муҳаббат баҳори деймиз. Байрам – шодлик, бахтиёрлик дегани. Шу боис ҳар сафар уни интизорлик билан кутиб, хуррамликда ўтказишга чоғланамиз. Эрта тонгданоқ яратиш-яшнатиш ишқиде жоннажон меҳнат жамоаси томон ошиқайтган юзлаб кишилар чехрасида меҳнат завки шундоқ акс этаётганини кўраимиз.

Юракларда жўш ураётган ажиб туйғу айнан Наврўзи оламга бўлган соғинчдан, унинг илоҳий қудратидан дарак бераётгандек. Наврўз завқини қиш чилласининг сўнгги ойи тугаши билан неварамнинг бидир-бидир сузларидан янада теранроқ англагандек бўламан.

– Аяжон, Наврўзда сумалак пиширамай-а, ҳамма қариндошлар уйимизга келишди-а, қандай яхши.

Унинг ҳам ишонч, ҳам даъват ила баҳорни яқинлаштирадиган сузларидан бу байрам 7 ёшдан 70 ёшгача инсонларнинг қон-қонига сингиб кетганини англаш қийин эмас.

Наврўзни кутиб, соғиниб яшашимизнинг ўзига хос маъ-

но-моҳиятини англашга интиламан. Бағрикенг халқимизнинг ажойиб удумларига кўз тегмасин. Қўшнни йўқлаш, тансиқ таом билан сийлаш, беморлар ҳолидан хабар олиш, мурувват кўрсатиш каби қадриятлар миллитимизга хос бўлган маънавият белгисидир.

Хивага ташриф буюрган сайёҳлардан бири билан суҳбатлашганимда, қизик гапни айтиб берган эди. Ёши 70 дан ошган онахон юртимизга келиб, тавозе ва илтифотимизни кўриб ҳайратланганини айтиб, эътирофига қараганда, баъзи давлатларда ота-она, фарзанд биргаликда кафега кирсалар, овқатланиб бўлишгач, ҳар қайсиси ўзи учун пул тўлар экан. Уйлари ҳашаматли экану, кекса ота-оналар ёлғиз қолишаркан. Хорижликлар халқимизнинг очик чехраси-ю меҳмондўстлигидан ҳайратга тушишларини яширмаганларича бор...

Халқимизни бирдамликка чорловчи байрам республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ўзгача файз билан нишонланади. Байрам куни беморлар, кам даромадли оилалар ҳолидан хабар олиниб, мурувват кўрсатилади. Наврўзнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у қалбларни гина-қудурат, ғараз ҳасаддан фориг қилади.

Ҳа, Янги Ўзбекистон дериға байрамлар ярашади. Зеро, улуг ниятимизга вобаста чехраси гулгун, осойишта турмушдан шукроналик ҳисси билан яшаётган юртдошларимиз келажакка қатъий ишонч-ла боқишмоқда...

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси юртдошларимизни нафосат ва эзгулик айёми – **Наврўзи олам билан табриклайди.**


Омонатлар 2021 йил 1 апрелга қадар қабул қилинади

Байрам муносабати билан

**БАҲОР**

муҳдатли омонатини таклиф этади





## Янгиҳаётнинг илк баҳори



Ислом ИБОДУЛЛА,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**1966 йилги Тошкент зилзласидан сўнг вайронага айланган шаҳарнинг уй-жойсиз қолган аҳолиси пойтахтнинг жанубига кўчирилади ва Сирғали тумани ташкил этилади. Шу кеча-кундузда мазкур туманининг бир қисми, шунингдек, унга ёндош ерлар яна республикамизнинг минглаб фуқароларини ўз бағрига олди. Утган даврда Тошкент шаҳри ва вилоятнинг айрим туманлари кесилмасида Янгиҳаёт тумани ташкил этилиб, у Тошкент шаҳрининг йирик маъмурий бирликлари билан бирига айланди.**

Минг йиллардан бери инсоният бир нечта инқилобларни бошидан ўтказди ва улар инсониятнинг бугунги модернлашган, маданийлашган ҳаёт шаклини таъминлади. Аслида, башариятнинг ўтқоқлашиши ва шаҳар маданиятининг яратилиши ҳам тамаддун силсиласида инсонларнинг муваффақиятли инқилоби эди. Яқин-яқингача сартлар ҳисобланган этник гуруҳ таркибига кирган ўтқоқ ўзбеклар эндиликда замонавий урбанизациянинг таърихий юксалишини бошидан кечирмоқда.

Аҳоли сонининг ортиши, таълим, иш ўринлари талаб ва маиший таъминланган ҳаётни кўрсатган қатлам шаҳарларга кўчмоқда. Бунинг натижасида уй-жой қурилиши, шунингдек, гавжумлашган аҳолининг маъмурий бошқаруви реформацияларни талаб этапти. Сўнги йилларда пойтахт жануби ана шундай ислохотларнинг марказига айланди. "Тошкент шаҳри таркибиде Янгиҳаёт тумани ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида Сирғали, Чилонзор, вилоятнинг Урта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ каби туманлари кесилмасида янги маъмурий бошқарувага эга Янгиҳаёт тумани ташкил этилди.

Унинг бугунги шакли бош-адёқ қурилишлар, бунёдкорликлардан иборат. Бу ер асим Тошкент шаҳрининг энг кенжа ва йирик маъмурий бўлини сифатида ўзининг илк баҳорини қаршиламоқда. Янги уй-жойлар, марказга боғланган транспорт тизими, sanoat ва savdo зоналари туманининг ўзига хослигига айланди. Туман масштаби 4 419,6 гектардан иборат бўлиб, 30 та маҳалла

фуқаролари йиғини, 41 266 та хонадон, 909 та кўп қаватли уйлар, 19 та мактабгача таълим ташкилоти, 15 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-хунар коллежи, 7 та тиббиёт муассасаси ва 2 та маданият марказини ўз ичига олади.

– Яқинда Янгиҳаёт туманига қарашли Янги Чоштепа маҳалласига кўчиб ўтдим, – дейди Аббос Норматов. – Кредит маблағлари ҳисобидан бу ҳудудда қурилган намунали уйлардан харид қилдим. Авваллари бу ерлар шаҳар марказидан узоқ бўлгани сабабли одамлар учун ноқулай ҳисобланарди. Ҳозир эса метро линиясининг очилиши ва кўп сонли намунали уйларнинг барпо этилиши билан бу ҳудуд баътамом ўзгарди.

Туманда утган даврда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ички кўчаларни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, шу вақтга қадар Чоштепа, Чортоқ маҳаллаларининг бир неча кўчаларига асфальт ётқизилди. 8 та маҳаллада Street workout – спорт майдонлари қуриб битказилди. Йўлдош маҳалласининг Мардик кўчаси бўйлаб 10 минг квадрат метр ҳудуд асфальтланди. Фуқароларнинг сўзларига кўра, ушбу кўча сўнги марта 1966 йилда асфальт қилинган экан. Шунингдек, айни кунларда Хушнуд маҳалласининг Сойбўйи кўчасида 600 квадрат метр ҳудуд асфальтланмоқда. Маҳаллаларда болалар майдончалари босқичма-босқич таъмирланади, янгилари қурилади.

– Аҳоли томонидан кўплаб мурожаатлар келиб тушяпти, – дейди туман ҳокими Ҳаёт Иноғомов. – Уй-жойга бўлган талабларни қоплаш мақсадида, тадбиркорлик субъектлари томонидан 3 689 та хонадондан иборат 37 та кўп қаватли уйлар, булардан 12 таси 16 қаватли, 2 таси 10 қаватли, 2 таси 9 қаватли, 20 таси 7 қаватли ва 1 таси 6 қаватли янги тизим асосида уй-жойлар қурилмоқда. Ушбу уй-жойлар қурилишида 6 та пудрат ташкилотлари меҳнат қиялпти. Кўп қаватли уйлар Чароғон, Навқирон, Ал-Фарғоний, Янги турмуш, Гулшанобод ва Янги Чоштепа каби маҳалла ҳудудларида жойлашган.

Тошкент шаҳри sanoat ишлаб чиқариш, таълим ва қулай ҳаёт шароитларининг мавжудлигига кўра, бошқа вилоятларга нисбатан фаворит. Бу эса ички миграциянинг марказга сари "оқиши"га сабаб бўлмоқда. Бажарилаётган ишларга қарамасдан, пойтахтда уй-жойлар бўлган талаб юқориликда қоляпти. Пировадиде, Янгиҳаёт тумани ҳудудида бундан кейин ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этади.

## Уйғониш ва янгилиниш фасли

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мана бир неча кундирки, ўлкамизда баҳор нафаси бойчакларнинг она заминдан бош кўтариши, қушларнинг сайраши, муаттар хид таратаётган гуллар, соф ва мусаффо осмон, ям-яшил она табиат... ҳамма-ҳаммаси ўзгача.**

Уйғониш, янгилиниш даври – баҳор фасли янги саҳифанинг бошланиш нуқтаси, ўзга орзуларни кашф этиш, ҳаётга илк қадамни қайта қўйишдек гўё. Фаслларнинг кўкламоми – баҳорни тасаввур этар эканмиз, юрагимиз ҳаққириб кетиши бежиз эмас. Ахир у гўзал бир тароват, нафислик ва жилвакорликни инъом этади.


Фасллар келинчаги бўлмиш баҳорни азим ва пурвиқор тоғлардек сабр-матонатли ва ҳар томонлама мукамал фасл, деб таърифлаш мумкин. Нега дейсизми? Бир неча дақиқаларга бўлса-да, салқин

ҳавосини, шивирлаб сокинлик олиб келувчи ёмғирини ёғдирса ҳам қуёш заррин нурларини таратишни унутмайди.

Ҳар бир халқнинг миллий байрами бўлгани сингари бизнинг ҳам миллийлигимиз уфуриб турган байрамларимиз баҳор фаслида нишонланиши сир эмас. Айнан Наврўз байрами ушбу фаслга ўзгача бир кўрк бериб туради. Наврўз янги кун сифатида нишонланади. Ахир, "нав" – янги, "рўз" – кун, яъни "янги кун" деган маънони билдириши маълум.

Юртимизнинг барча гўшаларида сайилгоҳлар ташкил этилган. Буви-жонларимиз дошқозонларда баҳорий таом – сумалакни пиширишади, ёр-ёру, лапар садолари қалбларни жунбушга келтиради. Дилларда завоқ, тилларда бахтни ҳис этасан киши. Бизнинг Янги йилимиз шу кундан бошланади. Биз сўз билан айтганда, баҳор қайноқ қалбли фасл...

Қуёш заррин нурларин ҳар ён таратиб, Дилларга завоқ олиб келгувчи баҳор. Заминнинг муаттар ифорин олиб, Шошилиб ҳар томон элтгувчи баҳор.



Қорақалпоғистондан  
дараклар

## МТТлар фойдаланишга топширилди

Марат УЛПЕТОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қўнғирот тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 25-сонли мактабгача таълим ташкилоти 1969 йили қурилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги "2020 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида у 240 ўринга мўлжаллаб қайта қурилди. Қурилиш ишлари "Шураҳон қурилиш монтаж" МЧЖ томонидан амалга оширилиб, 6 млрд 274,9 млн сўм маблағ сарфланган.

Шунингдек, Наврўз байрами арафасида 18-сонли мактабгача таълим ташкилотида ҳам реконструкция ишлари ақунланди. Мазкур жойдаги бунёдкорликни "Kungrad Stroy Invest Xolding" МЧЖ жамоаси бажарди.

## "Обод қишлоқ" дастури асосида

Нукус тумани ҳудудидаги "Тақирқўл" ОФЙда "Обод қишлоқ" дастури асосида ишлар бошлаб юборилди.

Ушбу ҳудудда режа бўйича 11,5 километр ичимлик сув тармоғини тортиш, 12,5 километр ички йўлларни таъмирлаш, 5 километр пиёдалар йўлларини қуриш, 2 та трансформатор ва 60 та бетон устунларни қуриш, 4,6 километр газ, 2 километр алоқа тармоқларини тортиш, Орнек массиви ҳудудида жойлашган 20-сонли мактабни ҳамда 7-сонли МТТ биносини капитал таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган.

## Чўлда бизнесини юритаётган тадбиркор

Ҳилола ИСМАТОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Учкудук тумани Навоий шаҳридан 300 километр узоқликда жойлашган. Ёзи иссиқ, киши ўта совуқ бўлгани учун аксарият ёшлар ўқиш, ишлаш баҳонасида шаҳарларга кўчиб кетади. Лекин ўзи туғилиб ўсган қишлоқни обод қилиш, уни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, кишилар ҳаётини яхшилаш факат ватанпарвар инсонларнинг қўлидан келади.**

Бундан тўрт йил муқаддам Жамшид Рўзиқулов уйлар ва офисларни безатиш учун фойдаланиладиган сувоқ обой ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Бугунга келиб у туман ва шаҳарда ўз цехларини очди, 50 дан ортиқ иш ўринлари яратди, маҳсулотларини Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қила бошлади. Тадбиркор тузган "Бизнес империя инвест" МЧЖ эндиликда катта имкониятларга эга.

Тадбиркор расомчилик санъатига қи-

зиққани боис, сувоқ обой орқали уйларни безаш, дизайн ишларига эътибор қаратди. У бу йўналишни Россия давлатига бориб ўрганди, ўзлаштирди. Сувоқ обой осонликча сифатини йўқотмаслиги, узоқ йиллар сақланиши ва табиийлиги, шунингдек, унинг ёрдамида инсталланган тасвири ярато олиш мумкинлиги боис, ушбу қурилиш материални ўзимизда ишлаб чиқариш устида бош қотирди.

– 2017 йил Учкудук туманида жойлашган "Микрокредитбанк" филиалидан 22 млн сўм кредит ва ўз маблағим авазига сувоқ обой ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, – дейди у. – Обойни қўлда тайёрлаш жуда қийинлиги учун ишлаб чиқарадиган технология зарур бўлган. Бироқ мазкур ускунани чет давлатдан олиб келишга кетадиган маблағ йўқ эди. Шундан кейин ишни тўхтатмаслик мақсадида, ишлаб чиқарувчи техникани қўлбала ясашга аҳд қилдим. Шунга оид китобларни ўқиб чиқдим, интернетдан техниканинг конструкцияси, қурилиши билан боғлиқ ҳамма иқир-чиқирига диққат қилдим. Шундан сўнг, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги таниқли тадбиркор Рашид Қартбаевга бориб учрадим, у кишига шогирдликка тушдим. Сўнг сувоқ

обой ишлаб чиқарадиган техникани ясаб кўрдим. Ускуна бир маромда маҳсулот чиқара бошлади.

Харидорларни жалб этиш ва янги маҳсулотни танитиш мақсадида кишиларнинг уйларини текинга обой билан безаб бериб, қурилиш ёки таъмирлаш олиб борилаётган ҳовли, офисларга кириб бориб ишимизни кўрсатганмиз. Аста-секин Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва бошқа шаҳарларда маҳсулотларимизга талаб ортди, ички бозорни таъминлашга муваффақ бўлдик. Бошида ака-ука, қариндошлар кўмағида иш бошлаган бўлсак, эндиликда Учқудук, Томди, Навоий шаҳри ешларини иш билан таъминладик. Материалларимиз қўшни республикаларга экспортга чиқа бошлади. Чўл ҳудудидаги Томди овулларида ҳам цехларимиз фаолият кўрсатмоқда. Навоий шаҳрида офис биносини тикладик у ерда ҳам ишлаб чиқариш бўлимларимиз бор.

Инсон иродаси, мақсади ҳаётни ўзгартаришга қодир. У қаерда, қайси муҳитда, қандай шароитда бўлишидан қатъий назар, шундай. Янги Ўзбекистоннинг янги манзаралари ўз юртини обод қилган ёшлар тимсолида янада аниқ акс этади.

## 54 минг оила уй-жой билан таъминланади

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида янги тизим асосида уй-жойлар қуриш ҳамда ипотека кредитлари ажратиш масалалари юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда жорий йилда уй-жойларни қуришни ташкил этиш, муҳандислик коммуникация тармоқларини тақомиллаштириш ва объектларни молиялаштириш бўйича тақдимотлар ўтказилди.**

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ўтган 4 йилда 140 мингта уй-жой барпо этилган. Бу аввалги даврдан 4-5 баравар кўп. Жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, давлат Ипотека дастури доирасида 45 мингта уй қурилади. Режадаги ишларни сифатли амалга ошириш, ҳудудларда замонавий аҳоли яшаш массивлари еки яқка тартибдаги қурилишни кўнгилдагидек ташкил этиш устувор масала сифатида қўрилмоқда. Семинарда шу масалалар атрофида муҳокама этилди.

– Қишлоқ жойларида 5 қаватли ва ундан юқори, шаҳарларда эса камида 9 ва ундан юқори бўлган кўп квартири уйлар қурилиши ташкил этилади, – деди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Содиқов. – Асосий вазифалардан бири, уйларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги кунда 7 турдаги намунавий лойиҳалар мавжуд бўлиб, улар энергиятежамкорлиги, зилзилабардошлик даражаларидан келиб чиққан. Бу йил қурилиши мўлжалланган уйларнинг барчаси 1 октябрга қадар барпо этилади.

Семинарда уй-жой қурилишига масъул ташкилотлар ва уларнинг ҳудудий бўлимлари вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, уй-жойларнинг нархларини мақбуллаштиришда тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда Молия вазирлиги мутасаддилари ипотека тизимининг асосий тартиби ва субсидия ажратиш тамойиллари борасида тушунтиришлар беришди.

– Қатнашчиларга ипотека бозоридеги молиялаштириш масалалари тартибларини тушунтирдик, – дейди Молия вазирлиги департамент директори Фаруқ Ботиров. – Ўрта даромадли ва уй-жойга муҳтож аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ёки яқка тартибдаги уй-жойларнинг бошланғич маблағлари чекловсиз ажратилади.

Семинарда мавзуга дахлдор бошқа масалалар бўйича ҳам атрофида маълумотлар берилди.



## Мономарказда 27 йўналиш бўйича касб-хунар ўргатилмоқда

**Наманган шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида меҳнат бозори талабларини ўрганиш асосида 9 та соҳанинг 27 йўналиши бўйича ўқув-курслари ташкил этилган.**

Давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги марказ жорий йилнинг 22 февралдан иш бошлади. Бу ерда йилга 3 минг нафардан зиёд аҳоли касб-хунарга ўқитилади. Марказ ўқув хоналари компьютер техникалари, асбоб-анжомлар, станок, муляж каби зарур ўқув-амалиёт жиҳозлари билан таъминланган.

Мономарказга ҳудуддаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамда "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" рўйхатида турувчи фуқаролар касб-хунар ўрганишга жалб этилмоқда. Марказни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар тадбиркорлар томонидан иш билан таъминланади.



Суратларда: Наманган шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Байрам янги уйларда нишонланади

**Қарши шаҳридаги Наво маҳалласида қад ростлаётган Qarshi City лойиҳасининг биринчи босқичи доирасида 7 та 16 қаватли янги уй-жой калитлари Наврўз байрами арафасида ўз эгаларига топширилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Акбар Эшонқулов ва Қарши шаҳар ҳокими Нормўмин Холбоев сўзга чиқиб, хонадон эгаларини янги уйлар билан муборакбод этди.

"Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг буюртмаси асосида бош пуратчи "Agromir buildings" МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилган мазкур замонавий мажмуанинг ҳар бир қаватида биттадан 3 хонали ва тўрттадан 2 хонали квартиралар бўлиб, бу ерда истиқомат қилиш учун барча шароитлар муҳайё.

Айни пайтда Qarshi City ҳудудида бунёдкорлик ишлари давом этаётган бўлиб, бу ерда келгусида ўрта мактаб, мактабгача таълим муассасаси, театр, савдо мажмуалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектилари барпо этилиши режалаштирилган.



Суратларда: Қарши шаҳридаги Наво маҳалласида қурилган янги уйлар ўз эгаларига топширилди. **Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.**

## Бунёдкорлик – тараққиёт мезони

Шухрат НОРМУРОДОВ.

**Халқимиз азалдан ободлик, фаровонликка интилиб яшаган. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида савлат тўкиб турган ҳашаматли иморатларда қалби эзуликка йўғрилган халқимизнинг куч-қудрати ва шижоати акс этган.**

Навоий вилоятда ҳам халқаро ва миллий меъморчиликнинг энг гўзал намуналарини уйғунлаштирган бетакор биноларнинг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда кенг ва равоён йўллар, боғу хиёбонлар, гулзорлар кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Ўтган йил баракали кечиб, вилоятда барча соҳа бўйича улкан натижаларга эришилди. Бу ҳақда сўз борар экан, қиймати 296,3 миллиард сўм бўлган 1 792 та уй-жой, ижтимоий соҳа ва қишлоқ инфратузилмаси объектиларининг барпо этилганини эътибор эйтиш жоиз. Бундан ташқари, тасдиқланган Инвестиция дастурлари доирасида бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилиб, 11 та тиббиёт

муассасаси, 18 та умумтаълим мактаби ва 11 та мактабгача таълим ташкили объекти янгидан қурилди.

Албатта халқона ислохотлар, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Ана шундай ташаббуслардан бўлган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларининг йилдан йилга турмушимизга татбиқ этилаётгани натижасида аҳолининг ҳамда вақтлар давомида ечилмай келаётган муаммолари ҳал этилапти.

Вилоятда мазкур дастурлар доирасидаги бунёдкорлик ишлари ўз самарасини намояндалар этиб улгурди. Айни кунларда 2021 йил дастури доирасида 15 та қишлоқда "Обод қишлоқ", 5 та маҳаллада "Обод маҳалла" дастурлари бўйича муҳандислик-коммуникациялар, электр, газ тармоқлари ҳамда ички йўлларни таъмирлаш ишлари бошланган.

Мухтасар қилиб айтганда, "Обод қишлоқ" дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган бу ишлар замирида, одамларни рози қилиш, уларни эртанги кунга бўлган ишончини ошириш устувордир.

## Мурожаат адолатли ҳал қилинди

Оллоберган ЮСУПОВ,  
Урганч шаҳар адлия бўлими  
бошлиғи.

**Бугунги кунда адлия идоралари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Афсуски, баъзи ҳолларда айрим мутасадди идоралар томонидан бу масалага панжа орасидан қараш ҳолатлари содир бўлаётгани сабаб фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ўз вақтида ечим топмапти.

Жумладан, Урганч шаҳар адлия бўлимига фуқаро Р. Рўзметова мурожаат йўллаб, Урганч шаҳридаги ўзига тегишли бўлган гараж биноси 2018 йилда шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузиб, ер майдони олинган. Шаҳар ҳокимлиги билан 2018 йил 14 ноябрда тузилган шартнома шартларида кўра, шаҳардаги 29-сон Байналми-

лалчи маҳалласи ҳудудидан янги лойиҳалаштирилган новвойхона ва мижозлар учун енгил типдаги бостирма ташкил этиш учун 40 квадрат метр ер майдони ажратиб беришга келишилган. Бироқ шаҳар ҳокимлиги томонидан шартнома шартлари бажарилмасдан, фуқаронинг сарсон бўлишига йўл қўйилган.

Юқоридаги мурожаатни ўрганиш давомида, шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 14 ноябрда фуқаро билан тузилган келишув шартномасига асосан ҳал қилув қарори чиқаришни сўраб, даъво аризаси киритилди.

Суд ишни адолатли кўриб чиқиши натижасида иш фуқаро фойдасига ҳал қилинди. Яъни, суд томонидан 2021 йил 12 февралда Урганч шаҳар ҳокимлигидан Р. Рўзметовага янгидан лойиҳалаштирилган 40,0 квадрат метр ер майдони ажратилиш ҳамда 1,0 млн сўм маънавий зарар пулини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб юрган фуқаро адлия бўлимининг ёрдами билан мақсадига эришди.

## Тайёргарлик авжида

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**Юртимизда баҳор нафаси кезмоқда. Наманган вилоятида ҳам халқимизнинг сеvimли байрами – Наврўзга қизғин тайёргарлик кўрилади. Дошқозонларда сумалак пиширилиб, қадимий урф-одатлар ва удумлар бажо этилапти.**

Тантаналарнинг маркази "Афсоналар водийси" боғида бўлади. Бу ерда ташкил этиладиган "Сумалак фестивали" барчада катта қизиқиш уйғотяпти. Сигими етти тонналик катта қозонда баҳор таоми пиширилади. Бунинг учун 1 800 килограмм бугдой, уч тонна ун, 500 килограмм ёғ, 100 килограмм новвот тайёрлаб қўйилди. Наврўз таоми маҳаллалар, шаҳар аҳолиси, Меҳрибонлик ва Саховат уйларига тарқатилади.

"Афсоналар водийси"да байрам кунлари турли тадбирлар ҳам амалга оширилади. Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ҳам катта қизиқиш билан кутилмақда. Косонсойлик дорбозлар, норинлик полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этишга шай.

Халқимизда "Кўклам – меҳнат билан кўккам", деган нақл бор.

Айни кунларда дала ва боғларда баҳорги ишлар авжида. Аҳолининг томорқа майдонларида ҳам баҳорги экиш мавсуми қизғин паллага кирган. Буни Учқўрғон туманидаги Қўрғонча маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Бу ерда мева-сабзавот экинларидан юқори ҳосил олаётган миришкорлар кўплаб топилади. Турсунбой Жуманиёзов ана шундай бободоққонлардан. У ўзига қарашли майдонда 2 та икки сотихли иссиқхона ташкил этган. Бирида лимон, иккинчисида эса резавор экинлар етиштирилади. Ернинг қолган қисмида сабзавот экади. Унумли меҳнат эвазига йилига 10 миллион сўмдан даромад қилади.

Мазкур маҳалладаги 550 хонадоннинг барчасида ҳозир баҳорги ишлар қизғин тус олган. Мақсад – эл-юрт дастурхонини зарур маҳсулотлар билан тўлдириш.

Наврўзнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу айём ободончилик ишларига ҳам ўзига хос туртки бўлади. Байрам арафасида ҳудудларни тозалаш ва кўкаламзорлаштириш, янги боғроғлар барпо этиш қадимий анъаналардан. Навбатдаги шундай тадбир "Обод ва кўккам маҳаллам" деб номланган. Барча жамоалар шу кунга бегараз меҳнат қилиб, шаҳар ва қишлоқларнинг янада чирой очишига салмоқли ҳисса қўшади.

## Архитектура-шаҳарсозлик муаммолари ўрганилди

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**"Юксалиш" умумийлик ҳаракати томонидан "Ўзбекистонда архитектура соҳасига оид муаммолар ва ечимлар" мавзусида жамоатчилик муҳокамаси ташкил этилди. Унда мутахассис ва мутасаддилар иштирок этиб, фикр алмашилди.**

Маълумки, кейинги йилларда турар жой ва ижтимоий-маиший объектилар қурилишини ривожлантириш ҳамда шаҳар ва қишлоқ пунктларининг замонавий

архитектура қиёфасини шакллантиришга хизмат қилувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилаш ҳисобга олиниб, бир неча шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилди, қишлоқ ва овуллар, фуқаролар йиғинлари ҳудудларни архитектура-режалаштириш жиҳатидан лойиҳаларга эга бўлди.

– Мамлакатимизнинг меъморий қиёфаси тубдан янгилашиб, замонавий турар жой бинолари, турли ижтимоий соҳа объектилари барпо этилмоқда. – деди архитектор Абдугани Бурхонов. – Тадбирда мавзу юзасидан соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш-

## Ижодкор асарлари ўзгармай қолаверади

Дилшода СУЛТОНОВА.

**Самарқанд – қанчадан-қанча алломалар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, rassomларни тарбиялаб вояга етказган, тафаккурининг сайқал топиб ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ана шундай ижодкорларнинг вакили, иқтидорли rassom, тажрибали педагог Намозбой Султоновдир.**



Пайариқ – Зарафшон ирмоқлари бўлган Оқдарё ва Қорадарё орасида жойлашган гўзал Миёнқол мавзесидан таралган қадимий қаналнинг номи. Миёнқол ландшафтининг гўзал манзаралари, халқимизнинг ўзига хос анъаналари ёш Намозни ўзгалликка ундади ва расм чиқишга интиптиди.

Йиллар ўтиб, соҳани мукаммал эгаллади ва профессор даражасигага кўтарилди. Доимо ижод устида бўлиб, кўп сонли шогирдларига дарс ўтиб бўлгач, олийгоҳ Архитектура факультети биносидаги ўз ижодий устахонасига шошилди. Унинг ижодхонаси ўзига хос файзли бўлиб, узок-яқиндан келганларга доимо очик эди. У Бухорога бағишланган асарларига тинимсиз этюдлар ишлаб, сюжет ва мавзулар ахтарар эди. Домланинг фаолияти ҳақида шогирди Ақтам Бекмухамедов: "Устозимнинг ёзги амалиёт машғулотларида бажарган Бухоро, Хива шаҳарларининг бетакор меъморий манзара этюдлари кўпгина ижодий асарларга манба бўлмоқда" дейди.

Мусаввир томонидан Бухоро арки музейи раҳбариятининг махсус буюртмасига биноан яратилган "Ўғрининг жазоланиши" номили (1987 йил) тематик асари, унинг тарих соҳасида ҳам катта билим ва маҳоратга эга эканидан далолат

татбиқ этиб келинмоқда. У киши талабларга таъсир сир-асорларини ўргатишда моҳир устоз, тенгсиз баддий услуб эгаси, rassom сифатида эса ўзининг гўзал миллий йўлини, индивидуал тасвир тамойилини топган rassom эди. Устознинг Бухоро, Самарқанд ва Хива туркумидаги 70 дан ортиқ катта-кичик асарлари – АҚШ, Венесуэла, Туркия, Швейцария, Швеция, Франция, Япония, Корея, Канада, Америка ва бошқа мамлакатлардаги тасвирий санъат илҳосмандлари томонидан катта қизиқиш уйғотганди.

1990 йиллардан 2002 йилгача Н. Султонов Бухоро меъморий ёдгорликлари туркумидаги этюдларини яратиш мақсадида кўҳна шаҳарга келган эди. Мусаввир яратган "Бухоро Арки", "Чашмаи Аюб", "Тоқи саррофон", "Бухоро бозорида ўғрининг жазоланиши", "Лаби Ҳовуз" асарларга назар ташлар экансиз, уларда ранглар уйғунлиги, юқори дид, "Чор Минор", "Калон-минор" каби этюдларида мукаммал композицион ечим, миллийлик, теран ғоя ва соф рангтаъсирда моҳирлик билан юксак асарлар ярата олганининг гувоҳи бўламиз.



Бухоро. Лаби Ҳовуз қ/м 2002 й.

беради. Халқ кўзи ўнгиде кечаётган ўғрини жазолаш жараёни Бухоронинг Тоқи Заргарон бозори фониде ёрқин тарзда ишланган. Жараён ута ишончли тарихий муҳитда, ўрта асрларнинг шафқатсиз, бироқ адолатли тартиб-қоидалари асосида утаётгани акс эттирилган.

Қисқа ва мазмунли ҳаётда профессор Намозбой Султонов забардаст rassom, етук ижодкор бўлиб шаклланди. Унинг илмий-ижодий ишлари ўқув жараёнига

Рассомнинг "Бухоро серияси"га бағишланган ишлари кўргазмада ўзига хос тароват таратиб туради. Бухоролик шогирдларидан график rassom-меъморлар Зоиршо Қиличев, Наим Фаёзуллаев, Нурфайз Аҳмедовлар Бухоро шаҳри архитектура ва қурилиш ишларида фаолият юритишапти.

Ҳаёт ўзгараверади, аммо мусаввир асарларида акс этган давр ва ёдгорлик ҳолати ўзгармай қолаверади.

Ҳужжатга кўра, ҳудудларда давлат архитектура-шаҳарсозлик сиёсатини ягона давлат органи орқали юритиш, архитектура йўналишидаги вазифаларни самарали ечиш ҳамда қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, соҳага салоҳиятли кадрларни жалб қилиш мақсадида Архитектура-шаҳарсозлик департаментлари, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК филиалларини ташкил этиш назарда тутилган. Тадбирда Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси, Қурилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари ушбу Қарор лойиҳаси юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди. Ўзбекистон ёш архитекторлар ҳаракатини ташкил этиш масаласи ҳам мушокама қилинди.





Азиз юртдошларимизни  
баҳор гулларига  
бурканган

Наврўзи олам  
билан муборакбод  
этамиз.

Айём барчамизга бахту  
саодат, хушкайфият  
олиб келсин!

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**  
Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат  
инспекцияси жамоаси



**Самарқанд вилояти**  
қурилишда танлов савдоларини  
ташқил этиш консалтинг  
маркази жамоаси

эзгу амаллар дебочаси —  
**Наврўзи олам**  
билан барча юртдошларимизни қутлайди.

Эрка баҳорнинг фараҳбахш тонглари  
мисол умрингиз гўзаллик ва  
бахту саодатга тўла бўлсин!



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**  
Қурилиш соҳасида  
ҳудудий назорат  
инспекцияси жамоаси

меҳнатсевар халқимизни баҳор айёми –  
яшариш ва янгиланиш фасли ила  
самимий табриклайди.  
Қалбларимизни баҳорий кайфият  
асло тарк этмасин!











## “Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi” ДУК

ва унинг филиаллари жамоалари

**афсоналардан ҳақиқатларга, ҳақиқатлардан  
ҳаётимизга кўчган баҳорий тенгкунлик –**

*Наврўзи олам*

**билан азиз халқимизни табриклайди.**

**Кўклам фасли дастурхонларимизга барака,  
ишларимизга унум келтирсин!**





*Наврӯз*

*баргамизга*

*муборак бўлсин!*



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қурилиш вазирлиги**

